2015 ЙИЛ – КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqa boshlagan | «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri | www.turkiston.uz | 2015-yil 1-yanvar, payshanba № 1 (15847)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошларим!

Мана шу файзли дамларда сиз, азиз юртдошларимга аввало ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиб, қутлуғ қадамлари билан кириб келаётган Янги йил билан табриклаб, барчангизга чин қалбимдан сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, бахт-саодат, хонадонларингизга хотиржамлик ва фаровонлик тилашни ўзим учун катта бахт деб биламан.

Айни шу дақиқаларда якунига етиб бораётган йилни кузатар эканмиз, йил давомида босиб ўтган йўлимизни ва рўй берган воқеаларни, қўлга киритган марра ва ютуқларни шукроналик билан кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, 2014 йил биз учун самарали ва хосиятли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор, деб ўйлайман.

Бунинг исботини аввало биз кўзлаган буюк мақсад бўлмиш – дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, бунинг учун олиб бораётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида амалга ошираётган улкан ишларимизда кўришимиз мумкин.

Айниқса, иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишда, ҳеч шубҳасиз, ўтаётган йил ҳаётимизда чуқур из қолдириши муқаррар.

Бунинг тасдиғини юртимизда рўй бераётган оламшумул ўзгариш ва янгиланишларда, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси янада чирой очаётганида, қад ростлаётган, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналарда, деҳқон ва фермерларимизнинг мардона меҳнати эвазига далаларимизнинг унумдорлиги ва ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб, халқимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб бораётганида, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътибори тобора ортиб, унинг халқаро майдонда муносиб ўрин олаётганида кўриб-кузатиб, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг кўнгли ҳақиқатан ҳам ғурур ва ифтихорга тўлади.

Айтиш керак – ўтган даврда биз эришган айрим кўрсаткичларни тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, Ўзбекистонимизнинг саноқли давлатлар қаторида охирги 10 йил давомидаги иқтисодий ўсиши, яъни, содда қилиб айтганда, фаровонлигимизнинг юксалиш суръатлари узлуксиз равишда 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда ва 2015 йилда ҳам бу кўрсаткичдан кам бўлмайди, иншоолloҳ.

(Давоми 2-саҳифада)

МУТОЛАА – ЭНГ ҚУТЛУҒ МАШҒУЛОТ

Мутафаккирларнинг айтишича, комилликка элтувчи йўллар кўп: яхши тарбия, соф муҳит, донолар суҳбати... Улардан баҳраманд бўлиб улғайган инсон энг гўзал фазилатларни ўзида жо қилмоғи тайин. Бироқ ҳар томонлама баркамол бўлмоқ учун шуларнинг ўзи кифоя қилмайди. Уларга монанд илму маърифатли, мушоҳада қилиш салоҳияти баланд, кенг дунёқараш соҳиби бўлиш ҳам керак...

Инсон ҳамиша ўзини, ўзлигини англашга интилади. Бор куч-қуввати, имкониятини шунга сафарбар қилади. Бу йўлда унга энг яқин кўмакчи, энг содиқ дўст — китобдир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Муҳаммад Али билан суҳбатимиз ҳам маънавиятга, маърифатга элтувчи бетимсол восита — китоб, унинг башарият ҳаётидаги ўрни хусусида кечди.

(Давоми 4—5-саҳифаларда)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги – 2015 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва чет эл етакчи компанияларининг раҳбарлари, жамоат арбоблари Юртбошимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини юборганлар.

Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаганлар:

Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин**

Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**

Россия Федерацияси Хукумати Раиси **Дмитрий Медведев**

Япония Бош вазири **Шиндзо Абэ**

Япония Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири **Таро Асо**

Германия Федератив Республикаси Президенти **Йоахим Гаук**

Германия Федератив Республикасининг Федерал Канцлери **Ангела Меркель**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Кучлари Бош қўмондонининг ўринбосари, Абу Даби амирлиги Валиаҳди **Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Қозоғистон Республикаси Президенти **Нурсултон Назарбоев**

Туркманистон Президенти **Гурбангули Бердимуҳамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали Раҳмон**

Қирғиз Республикаси Президенти **Алмазбек Атамбаев**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти **Муҳаммад Ашраф Ғани**

МДҲ Ижроия қўмитасининг раиси – Ижро этувчи котиби **Сергей Лебедев**

НАТО Бош котиби **Йенс Столтенберг**

Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти **Акихико Танака**

“Марубени” корпорацияси президенти ва Бош ижрочи директори **Фумия Кокубу**

Табрикномалар келиши давом этмоқда.

Bayram shukuhi

ЧЕҲРАЛАРДА ПОРЛАГАН ШОДЛИК

Янги йил арафасида юртимиз бўйлаб “Президент арчаси” тадбирлари ўтказилди. Байрам томошаларида ўн минг нафарга яқин бола қатнашди.

Пойтахтимизда ташкил этилган “Президент арчаси”да 600 нафардан зиёд Меҳрибонлик уйлари ҳамда “SOS” болалар маҳалласи тарбияланувчилари, шунингдек, 813 нафар чин етим болалар меҳмон бўлди. Улар учун “Томоша” болалар шоу гуруҳи иштирокидаги “Мўъжизалар китоби” мусиқий спектакли намойиш этилди.

(Давоми 3-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Азиз юртдошларим!

Ўзбекистоннинг бугунги кунда тараққиёт йўлида барқарор суръатлар билан қадам қўяётганида, обод ва фаровон ҳаёт қураётганида бу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг, унинг миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, муносиб ҳиссаси борлигини, бутун халқимизнинг машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонати, бағрикенглиги, бир оила бўлиб яшаётгани, қисқача айтганда, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибатлик туйғуси нақадар катта бойлик эканини барчамиз миннатдорлик билан қайд этамиз.

Бунга иқрор бўлиш учун аввало ҳозирги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни, яқин ва узоқ атрофимизда хавф-хатарлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар авжига чиқиб, терроризм ва экстремизм ҳаракатларини, қон тўкилишларни кўриб-кузатиб турганимиз ҳеч кимни тинч ва бепарво қолдирмайди, албатта.

Минг афсуски, бундай кескинлашувлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, дунё бозорларидаги ноаниқ вазият ва танглик давом этишининг кутилиши – бундай таҳликали аҳвол барчамиздан ҳушёрлик, сезгирлик ва сафарбарлигимизни оширишни, содда қилиб айтганда – бўш келмаслигимизни талаб қилади.

Бир муҳим масалани эсимиздан, хаёлимиздан асло чиқармаслигимиз керак. Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, биз XXI асрда, глобаллашув, интеллектуал тараққиёт ва интернет замонида яшаётганимизни инобатга оладиган бўлсак, эришган марра ва ютуқлар билан чегараланмасдан, ҳаволаниш кайфиятига берилмасдан, аксинча, доим янгиликка интилишимиз, эртанги кунимизни, олдимизда турган муаммо ва қийинчиликларни ўзимизга яққол тасаввур қилиб яшашимиз лозим. Фақат шундай жамият, қолаверса, давлатгина жадал суръатлар билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб яшаши мумкин.

Айни шу ҳақиқатни англаган ҳолда, 2015 ва келгуси йилларнинг режалари ва янги марраларни эгаллаш ҳақида сўз юритар эканмиз, биз аввало демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришган ютуқларимизга, тўплаган тажрибамизга суяниб, келажагимиз стратегиясига айланган Концепциямиз асосида олиб бораётган ишларимизни изчил суръатлар билан давом эттиришимиз зарур.

Шу борада амалга ошираётган барча ислоҳотларимизнинг туб илдизи – томирида ётган масалаларга эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Сўз кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси ҳақида – хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни тез суръатлар билан ривожлантириш йўлидан барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, уларнинг эркинлигини таъминлаш ҳақида бормоқда.

Яна бир устувор масала – бутун жаҳон миқёсида иқтисодий ва сиёсий вазият тобора кескинлашиб бораётганини инобатга олган ҳолда, **иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш соҳасини узлуксиз техник, технологик янгилаб бориш ва модернизация қилиш, замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этишдир.**

Шу масалалар билан чамбарчас боғланган яна бир вазифа – **иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрни қай даражада бўлишини танқидий кўз билан баҳолаб, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришдан иборат.** Очиғини айтганда, мана шу ўта муҳим ислоҳотларимизни ярим йўлда қолдирмасдан, мантиқий якунига етказсак – марра бизники.

Бошқача айтганда, айни шу асосда эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан ҳали-ҳамон мерос бўлиб келаётган, одамларнинг норозилигини қўзғаётган барча қолдиқлардан воз кечишга имкон туғдирамиз, улардан озод бўламиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Янги – 2015 йилда мамлакатимиз давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Яъни, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини, мухтасар айтганда, инсон омилини янада юксалтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорининг ўртача ўсиши 22 фоиздан кам бўлмасдан, аҳолимизнинг реал даромадлари 10 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.

Кичик бизнес ва фермер хўжаликлари учун янги йилда ягона социал тўловлар ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга туширилади. Шу тариқа 440 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ уларнинг ихтиёрида қолдирилади. 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг бир минимал ойлик ҳажмидаги маошидан солиқ олинмайди. Барча ишчиларга тегишли бўлган бу янгилик авваламбор бошқаларга нисбатан ойлиги энг кам бўлган фуқароларга кўпроқ наф беришини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни шу тадбирлар ҳисобидан меҳнаткашларимиз камида 120 миллиард сўм наф кўради. Янги йилда бериладиган бундай имтиёзларнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Инфляция даражаси, яъни нарх-навонинг ўсиши тахминан 5,5-6,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Келгуси йилда одамларимизнинг турар-жой шароитларини яхшилаш, янада обод этиш, коммунал-маиший хизмат сифатини тубдан оширишга алоҳида эътибор берилади.

2015 йилда қишлоқ жойларда яшаётган 12 мингта оила шаҳар шароитидан қолишмайдиган, намунавий лойиҳалар асосида қурилган янги уй-жойларга кўчиб кириши мўлжалланмоқда.

Қадрли дўстларим!

Кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб ном берганимиздан халқимиз албатта яхши хабардордир.

Бунинг замирида ҳаммамизни оқ ювиб, оқ тараган, муқаддас юртимизнинг ташвиш ва муаммоларини ўз елкасида кўтариб келаётган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган кекса авлод вакилларини ҳаётдан рози қилиш, уларнинг дуосини олишдек савобли ва олижаноб мақсадлар мужассам эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Биз меҳрибон ота-оналаримиз, муҳтарам кексаларимиз олдидаги ана шу қарзимизни янада теран англаган ҳолда, уларга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдек олижаноб мақсадлар билан 2015 йилга қадам қўяр эканмиз, биз учун миллий ўзлигимиз тимсолига айланиб кетган каттага – ҳурмат, кичикка – иззат, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват каби эзгу фазилатларни янада мустаҳкамлаб, уларни жондан азиз фарзандларимизнинг онгу шуурига сингдиришда кириб келаётган йил муҳим, юксак бир босқич бўлишига ишонаман.

Айни шундай ноёб фазилатларга эга бўлаётганимиз яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда яққол намоён бўлганининг гувоҳи бўлдик.

Буларнинг барчаси одамларимизнинг, аввало, ҳал қилувчи кучга айланаётган ёш авлодимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, сиёсий ва фуқаролик савияси, ҳуқуқий маданияти юксалиб ва энг муҳими – эртанги кунимизни биз ўзимиз, она юртимиз учун қуряпмиз, деб дадил майдонга чиқаётганининг намойиши, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мен яқинда, Конституциямиз байрамига бағишланган тантанали мажлисда кимки асл демократияни кўрмоқчи бўлса, Ўзбекистонимизга келсин, деб айтганим бежиз эмас.

Ҳақиқатан ҳам, бундай халқ олдида бош эгиб, ҳар қанча таъзим қилсак арзийди, албатта, азизларим.

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим!

Янги йил кириб келишига саноқли дақиқалар қолган мана шу ҳаяжонли дамларда барчамиз Яратганимиздан эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқишини, хонадонларимизнинг қут-баракаси, файзини беришини чин қалбимиздан сўраймиз.

Кириб келаётган янги йилимиз юртимизга, барча-барча оилаларга бахту саодат ва омад келтирсин!

Ҳар биримизнинг пок ният ва тилакларимиз ижобат бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Muharrir minbari

МАСЛАКДОШ БЎЛИБ ҚОЛАМИЗ

«Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун олтиндан тарози, олмосдан тош оз» деганда, аллома шоир ВАҚТнинг қадрини бутун инсониятга яна бир бор эслатиб, бугунгидек шиддатли замонлар албатта келмоғига ишора қилгандек, гўё. Ахборот асрида ўз қадр-қимматини билган халқлар вақтни, унинг ҳар бир лаҳзасини янада кўпроқ қадрлаб яшашни афзал кўраётгани бежиз эмас.

Ахборот либосидаги хатарлар, хуружлар ва ғаразли мақсадлар исталган вақтда телефон ёки компьютеримиз орқали уйимизга, фаолиятимизга, умуман, ҳаётимизга кириб келиши мумкин. Бу жараёнда ҳар ким ўз масъулиятини чуқур англаши, ҳис этиши жоиз. Чунончи, илму маърифатни, маънавиятни тарғиб қилиш, зиё тарқатишдек эзгу ва улуғвор мақсадларни ўз олдига қўйган оммавий ахборот воситалари ҳам бундан мустасно эмас.

Азиз муштарий, қадрли ёшлар! Сизу бизга беқиёс имкониятларни туҳфа қилган 2014 йил ҳам поёнига етиб, Тарих зарварағига айланди. Ана шу имкониятлардан ким қай даражада фойдалана олди? Вақтни нечоғли қадрлай билдик? Бу янглиғ саволлар умумий бўлса-да, бироқ уларнинг жавоби индивидуалликка дохил. Ишонамизки, мустақил, бунёдкор элнинг бир вакили сифатида, бу каби саволларга ҳар биримизнинг муносиб жавобларимиз бор.

Якунланган йилда «Turkiston» газетаси, ўз анъаналарига содиқ ҳолда, сизни юртимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг самаралари, унинг ютуқлари, эришган юқори марралари, соҳадаги ислоҳотлар, ҳаётимиздаги янгиланиш ва ўзгаришлар ҳақида атрофлича хабардор этишга интилди.

Таълим, фан, маданият, спорт ҳамда санъат йўналишларида ўз иқтидорини намоён этган ёшларнинг қизғин ва қизиқарли фаолияти диққат марказимизда бўлди. Йил давомида Зулфия номидаги давлат мукофоти, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиблари, давлатимизнинг юксак орден ва медаллари билан тақдирланган йигит-қизлар, Президент стипендиатлари, илм-фан, санъат ва интеллектуал беллашувлар соҳасида ҳамда спортда нуфузли халқаро мукофотларни қўлга киритган ёшлар ҳақидаги ўнлаб очерк ва мақолалар эътиборингизга ҳавола этилди.

Газетамиз 2014 йилда мамлакатимиз ҳаётида юз берган энг муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларни махсус рукнлар орқали кенг ёритиб, бу жараёнда ҳам сайловчи, ҳам сайланувчи сифатида иштирок этган фаол ёшлар учун ўзига хос минбар вазифасини ўтади. Бу «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимида фаолият кўрсатаётган 7 нафар ёшларнинг Парламент Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланишида алоҳида аҳамият касб этганини таъкидлаш лозим.

Президентимиз қарорига асосан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури»да белгиланган ҳар бир вазифанинг ижроси юзасидан эълон қилинган туркум материаллар муштарийларнинг бу борадаги кенг кўламли ишлардан ўз вақтида хабардор бўлишини таъминлади. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижтимоий фаол бўлган юзлаб ёш оила соҳибларига имтиёзли ипотека кредитлари асосида «Камолот» уйлари топширилди. Йилнинг энг муҳим воқеликларидан бири сифатида «Turkiston»да мунтазам ёритилган мазкур хайрли жараён янги – 2015 йилда ҳам давом этиши барчамизга мамнуният бағишлайди.

Шунингдек, йил давомида эълон қилинган «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилишига бағишланган материаллар ҳам газета саҳифаларининг салмоқли қисмини эгаллади.

«Камолот» тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбар кадрларнинг етакчилик салоҳияти, ўз ҳудудида ёшларга бевосита алоқадор масала ва муаммоларни ижобий ҳал этишдаги иштироки ҳамда шахсий позицияси хусусида кенгроқ тўхталиш мақсадида «Turkiston» савол беради» лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳа доирасида тайёрланган материаллар газетада, **www.kamolot.uz** ва **www.turkiston.uz** сайтларида эълон қилинди. «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши қошидаги «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ҳамкорлигида лойиҳанинг телевизион версияси тайёрланди.

2014 йил санъат соҳасида ҳам ёрқин воқеаларга бой бўлди. Юртимизда илк бор ўтказилган «Ёшлик баҳори» ёш опера ижрочилари фестивали, «Competizione dell'Opera» халқаро танлови каби нуфузли лойиҳалар, Ўзбекистон санъатини дунё узра танитаётган ёш иқтидор эгалари, уларнинг санъат йўналишида таълим олиши ва қобилиятини ривожлантириш учун яратилган шароитлар, янги мусиқа ва санъат мактаблари, замонавий маданият кошоналарининг барпо этилаётгани ҳақида туркум материаллар тайёрланди.

Спорт соҳасида эса ёшларимиз дунё миқёсида алоҳида эътироф этилди. Ўзбекистонлик спортчилар 2014 йил давомида халқаро мусобақаларда жами 600 дан зиёд медални қўлга киритди ва уларнинг бу борадаги муваффақияти газетамизда мунтазам ёритиб борилди.

Энг муҳими, бу ишларда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий фаол ёшлари, турли корхона ва ташкилотлар таҳририятимиз билан ҳамкорлик қилди. Бундай ҳамкорлик янада кенгайиб, самарали бўлишига ишонамиз.

Янги – 2015 йилда «Turkiston» газетаси жамоаси юқорида тилга олинган мавзуларда ижодий фаолиятини давом эттиради. Газета ўз ахборот сиёсатини белгилашда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларига устувор аҳамият қаратади. Бу борадаги амалий ишларнинг мазмун-моҳиятини, ижтимоий аҳамиятини тўлиқ очиб беришга, қиёсий-таҳлилий ёритишга ҳаракат қилади.

Ёшлар тарбияси, маънавияти ва одобахлоқи масалалари, шунингдек, ахборот манбалари орқали турли ғаразли кучлар уюштираётган таҳдидлар, миллий менталитетимизга ёт деструктив ғоялар, соғлом турмуш тарзи ва тинч-осуда ҳаёт асосларини емирувчи зарарли одатларни сингдиришга бўлган уринишларни фош этишга қаратилган мулоҳазали материаллар жорий йилда ҳам газетанинг асосий мазмунини ташкил этади.

Юртимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эътироф этилган 2015 йилда «Turkiston» газетаси билан маслакдош-ҳамкор бўлишни афзал кўрган муштарийларга ижодий жамоамиз номидан алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

ЧЕҲРАЛАРДА ПОРЛАГАН ШОДЛИК

(Давоми, бошланиши 1-саҳифаси)

“Туркистон” саройининг фойесида болажонларни Янги йил қаҳрамонлари қарши олди. Байрам арчаси атрофида жажжи меҳмонлар таниқли эстрада хонандалари ижросидаги куй-қўшиқ ва рақсларга жўр бўлдилар. Ўша дамларда мурғак қалблардан қандай ҳиссиёт кечганини ифодалаш учун сўз ожизлик қилади. Барчасини шодликдан порлаган кўзлару беғубор чеҳраларни безаган самимий табассум англатиб тургандай.

— Бизга кўрсатилаётган меҳр ва ғамхўрликдан миннатдорман, — дейди Юнусобод туманидаги 58-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Камила Плотникова. — Икки йилдан буён меҳрибонлик уйида тарбия ва эътибор топяпман. Бу ерда ўзимни ёлғиз ҳис қилмайман. Ахир, менинг икки юздан ортиқ укасингилларим бор. Барчамиз бир-биримиз билан аҳил-иноқ, катта оила бўлиб яшаймиз. Ўқишдан кейин турли тўгаракларга қатнаймиз, спорт билан шуғулланамиз. Масалан, мен рақсни яхши кўраман. Бугун байрамда мириқиб ўйнадим. Президентимиз совғаларини олдим. Кўнглим тоғдек кўтарилди. Бундай меҳр ва эътибор тафти ҳамиша қалбимда қолажак.

“SOS” болалар маҳалласи тарбиячиси Нигора Шерматованинг беш нафар фарзанди бор. Кенжатойлари — Сергей ва Вячеслав Сердюклар 7 ёшда. Ака-ука Аёзбобога “Оппоқ қор” шеърини ўзбек тилида равон айтиб берганини кўриб, лол қолдик.

— Ўн йилдан буён етим болаларга оналик қилиб келяпман, — дейди Нигора опа. — Маҳалламизда 14та оила истиқомат қилади. Ҳар бирида 5-7 нафардан ўғил-қиз тарбияланмоқда. Бу болаларга имкони борича оилавий муҳитни яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Менинг фарзандларим Янги йилни интизорлик билан кутади. Ҳар йили Президент номидан совғалар оламиз. Болалар бундан қанчалик қувонишини кўрсангиз эди. Яратганга беадад шукр, инсон қадр-қиммати ҳар нарсадан азиз саналган жаннатмакон юртда яшаяпмиз!



Зал томошабинга тўлди. Чироқлар ўчган, ҳамма ҳаяжонда… Саноқли сонияларда сўнг саҳнада ҳақиқий эртак бошланди. Ақлбекка Донишманд бобо совға қилган мўъжизали китоб ёвуз кучлар қўлига тушиб қолди. Энди уни қутқариш керак. Келинг, саргузаштнинг давоми сир бўлиб қолсин. Ҳар бир бола Янги йил мўъжизасини ўзи кашф қилсин.

Наргиза УМАРОВА,
“Turkiston” мухбири.
Рустам Назарматов олган суратлар

ҚАНОТ БЕРУР ЮКСАК МАРРАЛАР

Бектемир Меликўзиев, Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II ёзги Олимпия ўйинлари ғолиби, бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси:

— 2014 йил мен учун бахт ва омад йили бўлди. 18 ёшда ўсмирлар ўртасида олимпиада ўйинларида зафар қучдим! Шунингдек, Болгарияда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритдим. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Баркамол авлод” спорт ўйинлари чемпониман. Қайси нуфузли халқаро мусобақага бормай, юртимизга ёруғ юз билан қайтиш насиб этди.

Бугун ўша ёрқин дамларни бир-бир кўз олдимга келтирарканман, ғалабаларимга — интилишим, устозларимнинг ўгитлари, йўл-йўриқлари билан бирга, ота-онам, яқинларим, барча юртдошларимизнинг меҳру эътибори асос бўлганини англайман. Мамлакатимизда спорт билан шуғулланишга кенг имкониятлар яратиб берилмаганида, кичкина ютуғимни кўриб боболаримиз: «Баракалла, болам, бундан ҳам катта зафарларга эришинг», дея дуо қилмаганларида, бирор натижага эриша олармидим? Йўқ, албатта!

Қайси спорт турида бўлмасин, Ўзбекистон вакилларининг халқаро мусобақалардаги муваффақияти давлатимиз томонидан ҳамиша юқори баҳоланиб келмоқда. Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II ёзги Олимпия ўйинларидан ёруғ юз билан қайтган терма жамоамиз катта тантана билан, ҳақиқий қаҳрамонлардек кутиб олинганию ўша пайтдаги чексиз қувонч ва ҳаяжон умрбод ёдимдан чиқмайди. Умримнинг ҳар бир йили ана шундай шоду хуррамлик билан ўтаётгани ва мен Ўзбекистондек жаннатмакон юрт фарзанди эканимдан бахтиёрман!

Ҳозир атрофимда спортчи бўламан деган, чемпионликни орзу қилаётган ёшлар кўп. Болаликда ўзим ҳам шундай эдим. Машҳур боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаевга ҳавас қилардим. Лекин меҳнатсиз инсон бирор натижага эришолмайди. Буни биринчи машғулотга келганимдаёқ тушунганман. Шукрки, мураббий ва устозларим, ота-онам, азиз инсонларим, қўйингки, бутун халқимиз дуоси билан бугун интилишларимнинг самарасини кўряпман. Жорий йилда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши қарори билан “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишонига сазовор бўлдим. Бу ютуқ менга янада юксак марралар сари қанот бергай.

Санжар Шеримбетов, ЎзР ФА Биоорганик кимё институти катта илмий ходим-изланувчиси, “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони соҳиби:

— Илмий фаолиятимда бу йил янгиликларга бой бўлди. Мен Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институтига докторантурага қабул қилиндим. Айни вақтда “Орол денгизи сувидан бўшаган ҳудудлар ўсимликларининг молекуляр биологик ва экологик хусусиятлари” мавзуида илмий тадқиқот олиб боряпман. Шунингдек, Фанлар академиясининг Юқори технологиялар ўқув-тажриба марказида баъзи чўл ўсимликларининг (Орол денгизи сувидан бўшаган ҳудуд ўсимликлари мисолида) филогениясини ДНК маркерларини қўллаш орқали ўрганишга бағишланган ёш олимлар фундаментал лойиҳасига раҳбарлик қиляпман.

Йил давомида Орол денгизининг қуриган сатҳида бир неча маротаба илмий экспедицияларда бўлдим. Тадқиқотим учун зарур илмий материаллар тўпладим. Уларни лаборатория шароитида таҳлил этиш натижасида, фанда илк бор чўл ўсимликлари таркибида нодир металлар учрашини аниқладик. Бундан ташқари, Оролқум ҳудудида маданий ўсимликлардан олма, ўрик, сабзи, пиёз, наъматак, дўлана ва ҳатто лоланинг ёввойи аждодлари ўсиши маълум бўлди. Бу жаҳон илм-фани учун чинакам янгиликдир.

Юртимизда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида турли йўналишларда кўплаб лойиҳа ва танловлар, фестиваль ва мусобақалар ўтказилмоқда. Жорий йилда мен ҳам уларда иштирок этдим. Ер юзида вужудга келган янги саҳро — Оролқум мўъжизаси ҳақидаги видеоролик учун сценарий ёзиб, “Камолот” ёшлар ижтимоий харакати томонидан биринчи маротаба эълон қилинган “Янги нигоҳ” видеороликлар танловига тақдим этдим. “Табиатнинг ўзи меъмор” деб номланган бу роликда Орол денгизи атрофида экологик туризмни ривожлантириш ғояси илгари сурилди. Ижодий ишим биринчи ўринга лойиқ топилди.

Жорий йилда Фанлар академияси тизимида ўтказилган “Энг фаол ёш олим” республика танловида ҳам менга ғолиблик насиб этди.

Ҳаракатнинг яна бир йирик лойиҳаси — «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги республика ёшлар фестивалида ҳам фаол қанташдим.

Яқинда эса Бухоро давлат университетида ташкил этилган “XXI аср — интеллектуал авлод асри” мавзуидаги республика илмий-амалий конференциясида илмий маърузам II даражали диплом билан тақдирланди.

Олдимга ҳамиша катта мақсадлар қўйиб яшайман. Ўзингга қанчалик ишонсанг, орзуларинг шу қадар рўёбга чиқар экан. 2014 йил менга муваффақиятлар олиб келди. Бундан кейин ҳам илм соҳасида юксалиб, Ўзбекистонимизни илм-фан тараққий этган мамлакат сифатида дунёга танитишни хоҳлайман.

Бахтиёр Абдуллаев, Қумқўрғон туманидаги «Режабполвон Абдуллаев» фермер хўжалиги раҳбари, «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» республика танловининг «Энг намунали ёш фермер» номинацияси ғолиби:



— Бизнинг соҳада шундай гап бор: «Режа бажарилган, кўнгилдагидек ҳосил олинган йил муваффақиятли йилдир». Эл-юртга янада кўпроқ наф келтиришни ўйлаган фермергина ҳақиқий фермердир! Юртбошимиз фермерларга катта ишонч билдирганларида худди ана шундай оловқалб инсонларни назарда тутганларига шубҳа қилмайман ва мен ҳам ана шу ишончга лойиқ бўлишга бел боғлаганман.

2012 йили 54 гектар ер майдонини олиб, «Режабполвон Абдуллаев» фермер хўжалигини ташкил этдим. Бошланишида ҳеч қандай техникамиз йўқлигидан қийналганмиз. Бугун эса фермер хўжалигимизда «ТТЗ-80.11» чопиқ трактори, турли хўжалик техникаларидан ташқари, «Нексия» русумли енгил автомобилимиз бор. Жорий йил ғалладан 70 центнердан ҳосил олдик. Ўттиз гектар майдонда пахта етиштириб, давлат шартнома режасидаги 105 тонна ўрнига 135 тонналик оқ олтин хирмонини яратдик. Еримиз ҳам 78 гектарга кенгайди.

Фермер хўжалигида сутни етиштириш учун ўнта Голландия сигирлари сотиб олиш учун буюртма бердик. Яна битта енгил автомашина харид қилиш ниятидамиз. Эришаётган муваффақиятларимизда хўжалигимизда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг ҳиссаси катта.

Хўжалигимиз қошида балиқчиликни ҳам йўлга қўйганмиз. Айни пайтда битта бир гектарли, битта 30 сотихли ҳовузда ўн мингга яқин балиқ парваришланмоқда. Чорвачиликка ҳам эътибор қаратганмиз.

Қисқа қилиб айтганда, 2014 йил хўжалигимиз учун юксалиш йили бўлди.

► *Ёш математикларимиз Корея Республикасининг Тэджон шаҳрида бўлиб ўтган мактаб ўқувчилари ўртасидаги халқаро математика мусобақасида илк бор қатнашиб, жамоавий ҳамда якка тартибдаги баҳсларда 2-ўринни қўлга киритди.*

► *Ўзбекистонда биринчи Ёшлар симфоник оркестри тузилди. Оркестр иштирокида «Ёшлик баҳори» республика ёш опера ижрочилари фестивалининг гала-концерти бўлиб ўтди.*

Web-sayt: www.turkiston.uz E-mail: info@turkiston.uz
2015-yil 1-yanvar// 1-son

МУТОЛАА – ЭНГ ҚУТЛУҒ МАШҒУЛОТ

Шоир, адиб ва таржимон Муҳаммад Али (Муҳаммад Али Аҳмедов) 1942 йил 1 мартда Андижон вилоятининг Бўз туманида туғилган. 30га яқин шеърий китоби нашр этилган. Булар орасида «Фазодаги ҳислар» (1967), «Шафақ» (1968), «Оталар юрти» (1970), «Алвон чечаклар» (1973), «Достонлар» (1974), «Ниначи ҳақида эртак» (1976), «Оқ нур» (1977), «Илҳом париси» (1980), «Боқий дунё» (1981), «Севсам, севилсам» (1983), «Гумбаздаги нур» (1985), «Сен бир гулсан» (1989), «Она дуоси» (1994), «Сайланма» (1997) китоблари ажралиб туради

Муҳаммад Али ижодида «Машраб», «Гумбаздаги нур», «Заминда яшаймиз», «Муҳаббат» достонлари, «Боқий дунё» шеърий романи, «Сарбадорлар» ва «Улуғ салтанат» тарихий романлари катта ўрин тутади. Адиб публицист сифатида ҳам дадил қалам тебратиб келмоқда. «Ўз-ўзингни англаб ет» (1988), «Ҳақиқатдан чекинма, Тарих!» (1990), «Қафасдаги булбуллар» (1996) мақолаларида тарихимизнинг долзарб масалалари ҳақида баҳс юритилади. «Ошиқ бўлмай Ҳақ дийдорин кўрса бўлмас» (1992), «Мен кўрган Америка» (2000), «Амир Темур чамани» (2006) китоблари адабий-илмий жамоатчилик томонидан самимий кутиб олинди.

Бадиий таржима адиб ижодида етакчи ўринни эгаллайди. Қадимги ҳинд эпоси «Рамаяна» (1978), қорақалпоқ эпослари «Шаҳриёр» (1977), «Маспошшо» (1985), Роберт Бёрнс (1971), Галактион Табидзенинг (1982) шеърий китоблари шоир таржимасида чоп этилди. Шунингдек, Ҳоқоний, Шиллер, Байрон, Пушкин, Лермонтов, Махтумқули, Абай, Тагор, Ҳамзатовнинг айрим асарларини таржима қилган. «Рамаяна» поэтикасининг ўзбекча талқинига бағишланган тадқиқоти учун таржимашунос олимга филология фанлари номзоди (1992) илмий даражаси берилди. Шоир асарлари ўттизга яқин тилга ўгирилган. Муҳаммад Алининг ўзбек адабиёти равнақига қўшган ҳиссаси ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унга «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвони (1992) ва «Шаҳриёр» эпоси таржимаси учун Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мукофоти берилди (1884). Адиб «Меҳнат шуҳрати» ҳамда «Эл-юрт ҳурмати» орденлари соҳиби.

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

— Аксар шоир-ёзувчилар болалигидан адабиётга меҳр қўяди. Бу меҳр сизда қандай пайдо бўлган, адабиётнинг ҳаётингизга таъсири ҳақида сўзлаб берсангиз.

— 3-синфда ўқиётган вақтимдан шеър ёза бошлаганман. Ўшандаёқ фақат ижодкор бўламан деб қатъий мақсад қўйган эдим. Ҳозиргача шу йўлдан қайтганим йўқ.

Бошқалардаги сингари «бошланишига бир-икки нарса ёздим, кейин у кўпчиликка ёқди, шундан сўнг ёзувчи бўлишга қарор қилдим» қабилидаги ҳолатлар менда юз бермаган. Шоир ёки ёзувчи бўлишдан бошқа ҳеч нарсани тасаввур қилолмасдим. Адабиёт — ҳаётимнинг мазмуни.

1959 йилда Усмон Носирнинг «Танланган асарлар»и эълон қилинди. Даставвал, ана шу улуғ шоирнинг ижодига қизиқдим, унинг, жўшқинлиги, яшиндек чақнаши, ўзига хос услуби менга манзур бўлди. Ҳамид Олимжон шеърларидаги шалоладек оқаётган қўшиқ, жарангдорлик, қуйма сатрлар кўп қатори мени ҳам мафтун этди.

Отам: «Ўғлим, ҳамиша ўз олдингга катта мақсадларни қўйиб яша», дерди. Бу ўгитда улуғ маъно бор экан.

Мумтоз адабиётимизни, замондош шоир-ёзувчилар ижодини, жаҳон адабиётини ўргандим, устозлар сабоғини олдим. Мактабни тамомлагач, Москвадаги Адабиёт институтига ўқишга кирдим.

«Талабалик — олтин даврим» дейишади. Лекин у ҳамманинг ҳаётида ҳам «олтин давр» бўлавермайди. Вақтини беҳуда нарсаларга сарф қилиб, тўрт-беш йилни ўтказиш ҳам, ана шу фурсатдан фойдаланиб, ёшлигидан элга танилиш, тенгдошларига ўрнак бўлиш ҳам мумкин. Мен институтга киргунга қадар ҳам ўзбек, ҳам жаҳон адабиётининг кўплаб дурдоналарани мутолаа қилиб улгурган эдим. Олий ўқув юртидаги муҳит, устозлар ўгити ижодкор бўлиб шаклланишимга замин яратди. Ҳеч қачон ўрганишдан, мутолаадан тўхтамаганман.

Ёшларга маслаҳат берардимки, қайси касбни танлаганидан қатъи назар, ўз устида тинимсиз ишлаши, соҳа сирларини ўрганишга астойдил бел боғлаши шарт. Ана шундагина муваффақият эшиклари очилади.

— Ҳар йили Дўрмонда ёш ижодкорларнинг «Истеъдод мактаби» республика семинари бўлиб ўтади. Унда ёш қаламкашлар назм, наср, бадиий публицистика, болалар адабиёти ва бадиий таржима йўналишлари бўйича ўз ижод намуналари билан иштирок этади. Шу мактабнинг аҳамияти ҳақида нималар дея оласиз?

— Истиқлол ёшлари бошқача! Бизнинг болалик ва ёшлик йилларимиз қандай оғир даврларга тўғри келмаган, дейсиз! Мана шу маънода, бугун ўзи орзу қилган чўққиларни забт этмоқ учун қанот қоқаётган, парвозга шайланаётган фарзандларимизга ҳавас қиламан ва бахту иқболингизга кўз тегмасин, дейман.

Давлатимиз томонидан уларга нисбатан қаратилаётган бундай юксак эътибор, муносабат, ғамхўрлик дунёнинг биронта мамлакатида кузатилмайди. Шахсан муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуси билан ёшларга оид махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётгани ва бу саъй-ҳаракатлар кутилган натижани бераётгани, албатта, барчамиз учун ибрат, сабоқ.

Мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътиборни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан амалга оширилаётган ишлар тимсолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, «Истеъдод мактаби» республика семинари ҳар йили мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу йил янги режалар асосида ташкил қилинган минтақавий семинарлар уюшма фаоллари ва ёшларимизнинг ўзига ҳам маъқул бўлди. Яъни республикамизнинг беш ҳудудида дастлаб минтақавий семинарлар ўтказилиб, уларда барча вилоятлардаги истеъдодли ёшлар иштироки таъминланди.

Авваллари Тошкентга 60-70 нафар ёш истеъдод соҳиби чақириларди. Аёнки, барча ҳудудлардан кўпи билан 5-6 нафар ижодкор кела оларди, холос. Қамров чегаралангани боис бир қанча истеъдод эгаларининг иштироки кейинга суриларди. Бу йил қамров сезиларли даражада кенгайди.

Бешта минтақавий семинарда жами икки юздан ортиқ ёш қатнашди. Улар орасидан сараланган энг муносиб ёшлар пойтахтда ўтказиладиган марказий семинарда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Тошкентга келган иштирокчилар ўзаро баҳс-мунозараларга, мушоираю фикр алмашувларга киришади, дўстлар орттиради. Пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига, музей ва санъат кошоналарига саёҳат уюштирилади. Шоир ва ёзувчилар билан учрашиб, ижод сирларини, ёзиш маҳоратини ўрганади. Муҳими, ижодкор сифатида кўзи пишиб, тажриба орттиради. Семинар якунида энг иқтидорли йигит-қизлар ичидан 10-12 нафарининг ижод намуналари танлаб олиниб, «Биринчи китобим» лойиҳаси асосида чоп этилади.

Юртбошимизнинг алоҳида эътибори билан эндигина адабиётга кириб келаётган ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. 2010 йилдан бери ёш қаламкашларнинг 39 номдаги биринчи китоблари ҳар бири 10-20 минг нусхадан нашр этилди. Шу кунгача жами 676 минг нусхада чоп этилган китоблар юртимизнинг барча мактаб, коллеж ва лицейлари кутубхоналарига бепул тарқатилди.

— Устоз, сиз билан суҳбатда китоб мутолааси ҳақида савол бермай иложимиз йўқ. Биз, ёшларнинг китобга муносабатимиз сизни қониқтирадими?

— Фарзанларимизни болалигиданоқ китобга ошно қилиш — энг тўғри йўл деб биламан. Уларга кўпроқ китоб совға қилиб, ўқиганлари тўғрисида биргаликда мулоҳаза юритиш лозим.

Бир манбада ўқигандим: болаларга дунёнинг кенглиги, тоғлар, денгизлар, коинот, чўллар, ўрмонлар, ҳайвонот олами ҳақида кўпроқ гапириб бериш, шунга доир лавҳаларни кўрсатиш дунёқарашини, тасаввурини кенгайтирар экан.

Китобхонлик, аввало, ҳар бир оилада энг муҳим машғулотга айланиши керак. Ота-она китобхон бўлса, оилада ҳар куни китоб ҳақида суҳбатлар қилиб турилса, ўша муҳитда улғаяётган бола, албатта, етук инсон бўлади. Етуклик дегани фақат кучга тўлиш дегани эмас, буни айрим ота-оналар англаши керак. Фарзандига тўғри тарбия бера олмаган ота-она эртага афсусланади. Жумладан, болалигидан китобга меҳр уйғота олмаганлар ҳам.

«Китоб ўқиган одам шоир ёки ёзувчи бўлади. Менинг ўғлим футболчи бўлса, китоб ўқиб нима қилади» қабилида фикрлайдиган замонлар ўтди. Китоб бирор-бир касб соҳиби бўлиш учунгина эмас, авваламбор, инсон бўлиш учун керак! Ёшларимизнинг китобга муносабатидан кўнглим тўладиган жиҳатлар ҳам бор. Мана, ўзбекистонлик қанчадан-қанча йигит-қизлар халқаро фан олимпиадаларида, танловларда зафар қучаётир. Китоб ўқимаган одам бир нарсага эриша оладими? Лекин «Гуруч курмаксиз бўлмайди» деганларидек, китоб деса уйқуси келадиганлар йўқ эмас.

Бир университетда дарс берардим. Ёзги таътилдан сўнг янги ўқув йили бошланди. Таътилда нима билан шуғулланганига қизиқиб бир талабага савол бериб, ҳайратда қолдим:

— Ёзда қандай китоб ўқидингиз?

— Ўқиганим йўқ, — деди.

Мутолаа қилишга қатор адабиётлар топширилгани тўғрисида эслатгач, охирги марта қайси китобни ўқиганини сўрадим. Шунда у:

— Мен, умуман, китоб ўқимайман, — деди...

Мен бу воқеани ҳаммага тегишли деб айтаётганим йўқ. Шундайлар бор, демоқчиман. Лекин уларнинг борлиги ҳам бизни ташвишлантириши керак.

Китоб тарғиботи йўлида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда! Китоб байрамлари, фестиваллар, танловлар... Китоб дўконлари сонининг ортаётгани ҳам бежиз эмас. Илгари Тошкентда Ҳадра ва Эски Жўвадагина асосий китоб дўконлари бўларди. Мана, шаҳримизнинг барча ҳудудларида, вилоятларимизда кўплаб китоб дўконлари очилмоқда. Биз, катталар ёшларга мутолааниннг қанчалар завқли эканини, унинг роҳат бахш эканини, масалан, ўқиш пайтида бир фикрни китобдан билиб, кўнгилнинг нурга тўлиши, ўзгача ҳузур олишини уқтирмоғимиз керак. Китоб ўқишни ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Унинг завқини бошқа ҳеч нарса бера олмайди.

Бу борада ўқитувчилар ва ота-оналар зиммасига алоҳида масъулият тушади. Боласига қимматбаҳо телефон олиб бераётган ота шу пулига беш-ўн минг сўм қўшиб битта китоб ҳам олиб берса, ҳеч нарса йўқотмайди. Мен фарзандларимизда китобга меҳр уйғотишнинг оддий йўлини тавсия қиляпман. Ҳолбуки, бунинг минг бир йўли ва усули бор...

Интернетдан фойдаланишнинг ҳам ўз меъёри, қоидалари бор. Уни фарзандларимизга бутунлай таъқиқлаш мумкин эмас. Фақат уларга интернетнинг зарарли томонларини тушунтиришимиз керак. Кунига бир соат интернетга вақт сарфлаган одам бир соат мутолаага фурсат топа олади.

Биз ҳам Ёзувчилар уюшмасида келгусида китоб тарғиботи бўйича махсус ишларни амалга оширишни режалаштирганмиз.

Дунё олимлари, тадқиқотчилари томонидан Гуттенбергнинг китоб босиш дастгоҳи сўнгги минг йилликнинг энг буюк кашфиёти деб топилгани ҳам китоб қадрининг нечоғлик баландлигини кўрсатади. Ўйлайманки, башариятнинг энг кутлуғ машғулотларидан бири бу — мутолаа.

— Яқинда «Улуғ салтанат» эпопеясининг тақдимоти ўтказилди. Қарийб йигирма йиллик меҳнатингиз маҳсули, изланишларингиз меваси бўлган бу тетралогия замонавий ўзбек адабиётида катта воқеа бўлди. Муаллиф сифатида эпопеянинг бугунги ёшлар маънавиятига таъсири ҳақида нима дейсиз?

— Ёшларимиз аждодларимизнинг тарихда қолдирган изи нечоғлик улуғвор эканлигини, уларнинг номларини бутун дунё тан олиб келаётганини билиши, юракдан ҳис қилиши шарт. Шу маънода, тарихимиздан сўзловчи бу каби асарлар фарзандларимизнинг билимини оширишда, боболаримиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида саҳиҳ маълумотлар олишида аҳамияти катта.

Талабалик йилларимда Владимир Санги деган ёзувчи дўстим бор эди. У нивх халқи адабиётини бошлаб берган адиб. Мана қаранг, энди нивхлик ёшлар бизнинг адабиётимиз, шундай бошланган дейди. Биз буни чуқурроқ мулоҳаза қилишимиз керак. Ёшларимизнинг «Амир Темурдек бобом шу муқаддас тупроқда туғилган. Мана ҳозир мен ҳам шу заминда улғайяпман. Бобом қачонлардир шу йўллардан юрган, улуғ мақсадлар мана шу ерда амалга оширилган, Сароймулкхоним ва амирзодалар ҳам шу тупроқда камол топган» деб тасаввур қилишининг ўзи ҳам уларга жуда катта маънавий куч-қувват беради. «Мен кимларнинг ворисиман» деган ғурур уларнинг мурғак қалбида куртак ёза бошлайди. Ўйлайманки, бу асар уларнинг маънавиятига, ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади, ватанпарварлик руҳида тарбиялайди.

Илгари устозларимизда тарихий сиймоларимиз ҳақида ёзиш имкони бўлмаган. Ҳатто Абдулла Қодирий, Ойбек, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов сингари катта ёзувчиларимиз ҳам боболаримиз ҳақида очиқ, рўй-рост ёзолмаган. Сабаби, ўша пайтдаги ҳукмрон тузум бизнинг шундай буюк аждодларнинг вориси эканлигимиздан, борди-ю, улар ҳақида бор ҳақиқатни билсак, (шернинг боласи шер бўлади-да) мавжуд тузумга қарши чиқишимиздан қаттиқ хавфсираган.

Мустақиллик бизга тарихий ҳақиқатларни тиклаш, ўтмишни борича, ҳар хил фаразу уйдирмалардан холи ёзиш, улардан келажак авлодни воқиф этиш имконини берди. Ва қисқа муддат ичида катта ишлар амалга оширилди.

Минг афсуски, бугунги кунда ҳам аждодларимиз, хусусан, Соҳибқирон ҳақида ҳатто тарихчи олимларимизнинг билиб-билмай гапириш ҳолларини кўряпмиз. Шу ўринда (уйдирмаларга жавоб сифатида) Соҳибқирон шахси ҳақида бироз тўхталиб ўтсак.

Аввало, бобомиз ниҳоятда меъёрни билган, нафсини тия олган, пок инсон эканлигини айтмоқчиман. 27 мамлакатни бўйсундирган жаҳонгир фатҳ этган ҳудудларида ҳукмдорларнинг (бошқа подшоҳлар каби) ҳарамига назар ташламаган. Ўзидан кўра кўпроқ халқ манфаатини ўйлаган. Бу ҳақда Низомиддин Шомий «Зафарнома» асарида шундай ёзади: «Амирлар Соҳибқирондан маълум бир ҳудудни ишғол этиб, ўлжа олишга изн беришини сўрайди. Амир Темур эса уларга рад жавобини беради. Сабабини сўрашганида, ўзимга бўлган роҳатдан кўра, ўзгаларнинг ҳузур-ҳаловатини, уларнинг аҳволини ўйлаш мен учун афзалроқдир» деган. Амир Темур парвардигор унга нима учун умр берганини, уни қай мақсадларда сарф этишни, бу дунёдаги вазифасини қандай бажаришни англаб етган буюк зотдир. Афсуски, баъзи инсонларнинг буни англаб етишига бутун умри ҳам камлик қилади. Дунё аҳлини ҳайратга соладиган яна бир жиҳат борки, Амир Темур бобомиз бирон марта ҳам жанг майдонидан бош эгиб чиқиб кетмаган енгилмас саркардадир! Ватанпарвар бобомиз ҳаётини қанчалик чуқур ўргансак, шунчалик маънавиятимизни бойитамиз.

— Агар сир-асроринги —
оқилу доно эсанг,
Дўстингга ҳам айтмагил,
душман билмасин десанг.
Англашиладики,
икки кишига аён сир,
сир эмас.
Ушбу фардни ёзишингизга бирор воқеа сабаб бўлганми?

— Жуда кўп воқеалар сабаб бўлган. Бири содир бўлганда ҳам кўз юмиб кетаверганман, икки, уч, тўрт марта бўлгач... Охири шу фардни ёзиш орқали кўнглимдаги оғриқларни маълум маънода ўзимдан соқит қилиб, енгил тортганман.

Ҳақиқатан ҳам, инсон ҳар қандай вазиятга шай бўлиб, ҳушёр туриши, дўст билан душманни фарқлай олиши зарур. Инсоннинг ичида икки хил қутб, икки хил овоз бўлади. Баъзида ўзига-ўзи қарши чиқиб, ўзини-ўзи инкор қиладиган, ишонмайдиган ҳолатлар ҳам кузатилар экан. Англашиладики, энг муҳими — сирни бой бермаслик. Ва менингча, ҳар бир одамнинг қалбида ўзига яраша ошкор қилинмайдиган сири бўлиши керак

— Чўлпон, Ғафур Ғулом» Ойбек каби ХХ аср ўзбек адабиёти юлдузларининг йўлини давом эттирган ҳолда, назм ва насрда бирдек баракали ижод қилиш учун алоҳида маҳорат керак. Эндигина адабиёт остонасига кириб келаётган айрим ёш ҳаваскорларнинг бир йўла шоирлигу ёзувчиликка ўзларини уриши... Аммо, натижаси ҳамма вақт ҳам яхши бўлмаяпти... Уларга маслаҳатингиз.

— Яхши савол бердингиз. Асли, барча ижодкорлар ҳам аввалига бир жанрда ижод қилишдан бошлайди. Масалан, Чўлпон, Ойбек шеър ёзишдан бошлаган. Ёки мана, жаҳон адабиётини олайлик: «Йиллар мени прозага ўтишга чорлаяпти» дейди Пушкин. Бошқаларнинг ижоди ҳам шу тахлит бошланган. Мен ёшларга маслаҳат берардимки, аввало, битта жанрда қойилмақом ижод қилгач, сўнгра бошқа жанрларга ўтиш жоиз. Жаҳон адибларининг тажрибаси ҳам шуни кўрсатади. Бундан ташқари, ижодкор қалбининг адабиётга муносабати, эҳтиёжи бўлади. Шу эҳтиёжга қараб бошқа жанрга ўтиш мумкин. Бу истеъдоднинг кўламига ва билимга боғлиқ. Газетага хабар ёки оддий ариза ёзолмайдиган шоирларни биламиз. Менингча, улар ўзини жуда қашшоқлаштириб қўяди. Чунки худо берган қалам доим ишлаб туриши керак. Бироқ ҳар доим ҳам шеър ёзиш мушкул. Ҳар куни момоқалдироқ гумбурламайди. Шеър — бу ҳаётда яшиндек чақнаган ҳодисанинг қоғозга туширилган кўриниши. Ана шуни илғаб олиш, ифода эта билиш шоирнинг маҳоратига боғлиқ. Шунинг учун бошқа жанрларга ҳам мурожаат қилинади. Ижодкор дунёнинг бошқалар кўролмайдиган рангларини кўрсатиб бера олиши керак. Қолаверса, ҳар бир мавзу ўз жанрини талаб қилади. Бири «шеър бўламан» дейди, иккинчиси «ҳикоя», яна бири «роман ё достон бўламан», дейди. Шу жиҳатларни ҳам инобатга олиш лозим.

— Ўтган йили «Халқ сўзи» газетасида «Тарих сабоқларидан хулоса чиқариб яшайлик ёхуд адабиётимизнинг яқин ўтмишига бир назар» номли мақолангиз эълон қилинди. Унда ўтган асрда она тилимизни, мумтоз адабиётимизни камситиш ва унга кўр-кўрона муносабат билдиришлар, ўзбошимчаликлар билан талқин қилиш ҳолатлари тарихий фактлар асосида босқичма-босқич фош қилинган...

— Ҳали биз тарихнинг ҳамма томонларига қараб, ҳақиқатни ўрнига қўйиб улгурганимиз йўқ. Лекин шу йўлда катта ишларга бел боғлаганмиз. Иш давом этмоқда.

Ушбу мақолада асосан иккита масалага эътибор қаратганмиз: биринчиси, таржима масаласидир. Кишига жуда алам қилади. Навоийдек (фақат Навоий асарлари таржимаси мисолида келтирдик, қолган турли даврларда ижод қилган шоир-ёзувчиларимизнинг асарлари ҳам бундай «таржима»лардан бенасиб қолмаган) дунё тан олган даҳо шоирнинг ижодига ўзбошимчалик билан ёндашилган. Гўёки, «шеър бундай ҳолда бўлмайди, русчага тўғри келмайди, шеърни мана бундай ёзиш керак» қабилида иш кўрилган. Ўша пайтларда рус тилида китоб чиқариш мушкул эди. Асар иккинчи даражага тушиб, «таржима» биринчи ўринга чиққан. Афсуски, ҳатто, Ҳазрат Навоийнинг шеър ва достонларини тўлиқ таржима қилмаслик, орадаги бобларни ташлаб кетиш, йўқ нарсаларни қўшиб ёзиш каби ҳолатлар учрайди.

Бугунги кунда ўтмишда содир бўлган бундай хатоларни тузатишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Алишер Навоийнинг 100 ғазали жамланган китобни 14 тилга таржима қилиш устида қизғин иш олиб бормоқда. Мамлакатимиз раҳбарияти адабиётимизни хорижда тарғиб қилишни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Даставвал, Навоий асарларини инглиз тилига таржима қилиш ишлари бошланди. Ижодий гуруҳ сафида хорижлик таржимонларнинг бўлиши режалаштирилмоқда. Инглиз китобхони психологиясини яхши биладиган мутахассисларнинг бу ишга жалб қилиниши яхши самара беришига шубҳа йўқ. Бу китоблар нашрдан чиққач, элчихоналарга тарқатилади. Шу кунгача Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари олмон тилига, шунингдек, бошқа ўзбек ёзувчиларининг ҳикоялари корейс тилига таржима қилиниб, 400 нусхаси Корея элчихонасига жўнатилди. Келажакда «Ўзбек шеърияти антологияси»ни рус ва инглиз тилларига таржима қилиш режалаштирилган.

Мақолада кўтарилган иккинчи масалага келадиган бўлсак, бу ҳам жиддий ёндашувни талаб қилади. «Чиғатой тили». Ўзбек мумтоз адабиётини шу атама билан тилга олиш билимсизликдан бошқа нарса эмас. Бир мисол, айрим миллатлар Алишер Навоийни «Буюк чиғатой шоири» деб атайди. Эҳтимол, уларнинг билмаслиги айб эмасдир, бизнинг вазифамиз уларнинг тасаввуридаги бундай нотўғри фикрларни ёрқин далиллар асосида ўзгартириш, ҳақиқатни қарор топтириш. Ҳатто Навоийнинг ўзи чиғатой тили ҳақида ҳеч нарса демайди. Фақат асарларидаги учта жойда «чиғатой» атамасини этник ном сифатида тилга олади, холос. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Навоий ҳақида ёзаркан: «Туркийда ончалик кўб ва хўб ёзғон эрмас» дейди, «чиғатойда...» демайди.

Албатта, бу масалани олимларимиз чуқур мушоҳада қилиб, ёш авлодга тўғри маълумот берадиган хулосаларга келади, деган умиддамиз. Эндиликда бундай масалаларга беписанд ва нотўғри ёндашмаслик керак. Ўзбек тили грамматикасини рус-европа олимлари ўрганган, унинг андозаси ҳам рус тилидан олинган. Ишонамизки, тилшунос олимларимиз ўзбек тили грамматикасини қайтадан кўриб чиқади. Бу ҳам эндиликда ҳал қилиниши зарур бўлган масаладир.

— Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ёшлар билан ишлаш бўлимида ташкил қилинган «Онажоним шеърият» тўгараги фаолияти кейинги пайтларда бироз сустлашгандек, назаримизда...

— Бу бизнинг айбимиз. Янги йилдан тўгарак фаолиятини тубдан, изчил ислоҳ қилишни дастлабки вазифалар қаторига қўйдик. Тўгаракнинг (муайян) аъзоларини рўйхатга олиш, уларга махсус аъзолик гувоҳномасини бериш, уни ўтказиш тартибини йўлга қўйиш, муҳими, ишни маълум режа асосида юритиш белгиланган.

— Адабиётимизнинг эртасини, унинг ворислари келажагини қандай тасаввур қиласиз?

— Юсуф Хос Ҳожибдан то Навоийгача, Навоий замонидан бугунгача қанчадан-қанча шоирлар етишиб чиқмади дейсиз? Профессор Насимхон Раҳмонов томонидан тайёрланган икки жилдлик «Олтун ёруғ» асарида Юсуф Хос Ҳожибдан олдинги туркий тил хусусида ажойиб маълумотлар беради. Ундан то бугунги кунгача бўлганлари-чи? Қолаверса, шундай бой оғзаки ижод намуналари бўлган халқ фарзандларининг келажаги порлоқ бўлмаслиги мумкин эмас. Адабиётимиз мустаҳкам асосда турибди. У турли томондан келадиган шабадаларга букилмайди. Шундай экан, мен адабиётимиз эртасига ишонч билан қарайман. Ва ёш ижодкорларга шуни айтмоқчиманки, ижод қилиш бу фақат ёзиш эмас, балки, аввало, ўқиш, мутолаадир. Китобсиз ҳаёт зулматдир.

«Turkiston» мухбири
Алибек ОМОНТУРДИЕВ
суҳбатлашди

ЁШЛИК ХИТОБИ

Писанд эмас менга ўтларга кирмоқ,
Олов кечмоқ ва ё шуъла симирмоқ!
Мен — Камолот, дилда ёниқ мақсадим!
Ўзим — олов, мен оловнинг ўзиман,
Ўти йўқлар ёниб олсин, розиман!

Мен бўронлар қидирмайман ҳеч қачон,
Даркор эмас тўфонлар келтирган шон!
Шоир, ҳақсен, «Бўронларда ҳузур бор»,
Ўзим — бўрон, мен бўроннинг ўзиман,
Ҳузур деган мунда келсин, розиман!

Орзуларнинг қанотида учмасман,
Само ила саҳроларни қучмасман,
Учиргаймен ўзгаларни мен ўзим,
Ўзим — орзу, мен орзунинг ўзиман,
Қанотсизга қанот бўлсам, розиман!

Жасоратга эҳтиёжим йўқ менинг,
Йўқлигидан, ажаб, кўнглим тўқ менинг:
Эҳтиёжинг бўлса эркинг бўлмагай!
Ўзим — журъат, жасоратнинг ўзиман,
Жаҳонларга шиддат солсам розиман!

Инсон бўлиб нафас олмоқ шарафдир,
Ўғлинг шундай шарафларга ярабдир,
Ўзбекистон, менда ҳақинг кўп, она!
Мен — ўзиман, ўз-ўзимнинг ўзиман,
Фармон айла, нима десанг, розиман.

М. Али

E’tirof

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИЖОДКОР ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида Осиё эртакчилик санъати қўмитасининг Марказий Осиё ва Корея халқлари миф, эртак ва қаҳрамонлик эпослари асосида яратилган сценарийлари халқаро танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур танловда ўзбекистонлик кўплаб ёш ижодкорлар қатори Гулноз Тожибоева ҳам ўзининг «Жайҳун ва Аланга» сценарийси билан иштирок этиб, ғолиб бўлди.

— Олти ёшимдан эртаклар ижод қиламан, — дейди Гулноз Тожибоева. — Ҳозиргача тўртта тўпламим нашрдан чиқди. Орол денгизининг бугунги ҳолати мени «Жайҳун ва Аланга» эртак фильми учун мўлжалланган ушбу асарни ёзишимга ундади. Эртакнинг асосий қаҳрамонлари Амударё ва Сирдарёдир. Сирдарёни Сайҳун, яъни сув подшоси сифатида, унинг ўғли Амударёни эса Жайҳун деб атадим. Жайҳун оловнинг қизи Алангага ошиқ бўлиб қолади. Бу икки қарама-қарши унсур ўзаро қаршиликларга қарамай, бир-бирига бўлган муҳаббатига содиқ қолади. Шу туфайли улар юртидан бош олиб кетишга мажбур бўлади. Жайҳуннинг кетиши ва Сайҳуннинг ёлғизланиб қолиши Орол денгизининг қуришига сабаб бўлганини образли тарзда кўрсатишга ҳаракат қилдим.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Корея Республикаси маданият, спорт ва туризм вазирлиги ва Осиё эртакчилик санъати қўмитаси томонидан ташкил этилган танлов мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, халқ оғзаки ижоди намуналарини сақлаб қолиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида 2011 йилдан буён онлайн тарзида ўтказиб келинмоқда. Бу йилги танлов Марказий Осиё ва Корея давлатлари рақамли архивининг махсус веб-сайтида июнь ойида эълон қилиниб, аризалар август ойигача қабул қилинди. Унга инглиз, корейс ва рус тилларида яратилган 200га яқин сценарий тақдим этилди.

— Миллатларни бир-бирига яқинлаштиришда халқ оғзаки ижодининг ўрни катта, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори Ўрозали Тошматов.

Тадбир сўнгида Гулнора Тожибоевага Осиё эртакчилик санъати қўмитаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Рустам Назарматов фотолавҳаси

Milliy qadriyatlarimiz

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида юртимизда келаётган йилга ном бериш, ўтаётган йилни сарҳисоб қилиш анъанага айланган.

Эъзозлаган – эъзоз топар

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, аввало, инсон, унинг бахту саодати учун экани ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган барча қарор ва ҳужжатларда ўз тасдиғини топган.

Ўтаётган йил университетимиз ҳаётида янгиланишлар, ютуқлар йили бўлди. Юртбошимизнинг махсус фармони асосида университетда таълим шароитлари ўзгарди, ўқув хоналари замон талаблари асосида таъмирланиб, қайта жиҳозланди.

Тўғриси, бундай кенг ва шинам, ҳар жиҳатдан қулай бинода ўқиш ва ишлаш талабаю ўқитувчиларнинг дунёқарашини ўзгартирар экан. Ўз навбатида, талаба-ёшларда замонавий олий таълим муассасасида таҳсил олаётгани ва умуман, шу юрт фуқароси эканидан шукроналик, фахр туйғулари янаям кучайгандай.

Халқимизда “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Эъзозланган элда азиз”, “Минг пари билмаганни — бир қари билади” каби пурҳикмат гаплар бор. Шахсан ўзим шу пайтгача билган ва кузатган бошқа давлатлар конституцияларида вояга етганлар ота-оналарига ғамхўрлик қилишга мажбур, деган мазмундаги моддани учратганим йўқ.

Бош қомусимизнинг “Оила” бобидан ўрин олган 20-моддани эса ҳақли равишда миллий қадриятларга кўрсатилган юксак ҳурмат ва эътирофнинг ҳуқуқий ифодаси дейиш мумкин.

Бугун демократик қадриятлар, хусусан, инсон эрки ва шаънини улуғлаш даъвоси билан чиқаётган дунёнинг баъзи мамлакатларида кексаларни қариялар уйларига топшириш жамоатчиликни сира таажжублантирмайдиган ҳолатга айланмоқда. Қария бундай жойларда бирон иқтисодий муҳтожлик кўрмай яшаса-да, бироқ руҳан тушкун бўлиб қолаверади, оиласи ва фарзандлари дийдорини доимо соғинади.

Президентимиз таъбири билан айтганда: “Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, десак янглишмаган бўламиз. Соддагина, ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган”.

Қадимги Африка халқларида қари инсон вафот этса: “Эҳ, катта бир кутубхона ёниб кетибди!” деб афсус чекилар экан. Дарҳақиқат, бир нуронийнинг умр йўли, ҳаётий тажрибаси бебаҳо китобдек гап. У ҳамиша авлодлар учун ибрат бўлиб қолади. Азалдан элимизда кексаларнинг ардоқлаб келиниши ҳам бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Қайси хонадонда нуроний отахон ёки онахон бўлса, бу оилада албатта файзу барака, фаровонлик, аҳиллик бўлишини барчамиз яхши биламиз”.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда кексаларга эътибор юксалди. Юртдошларимизга муборак ҳаж сафарини амалга ошириш имконининг берилгани бунинг ёрқин намунасидир. Янги йилда мен ҳам савобли ишга жазм қилдим — ота-онамни Ўзбекистонимиздаги муқаддас қадамжолару тарихий масканларга саёҳат қилдирмоқчиман. Улар мустақиллик шарофати билан Ватанимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ва улкан ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўриб, мамнун бўлишини истайман.

Иномжон ТАГАЕВ,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

Sarhisob

Дастурда белгиланган Вазифалар бажарилди

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашида Соғлом бола йили Давлат дастури доирасида касаба уюшмалари томонидан амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда унга аъзо ташкилотлар томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида амалга оширилган ишлар, хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар, ёш оилалар ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар таҳлил қилинди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева маълумот берди.

Жорий йил Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши корхона ва ташкилотларда меҳнат ҳуқуқининг таъминланиши учун Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларининг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш мақсадида барча ҳудудларда давра суҳбатлари ва ўқув семинарлар ўтказди. Мазкур конвенциялар талабларининг бажарилиши юзасидан Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Тошкент, Сурхондарё, Фарғона, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги 210та корхона ва ташкилот, Навоий вилоятида учта туман фаолияти ўрганилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларида ташкил этилган юридик маслаҳатхоналар ва «Ишонч телефонлари» (0371 256 48 81) орқали тизимли равишда бепул ҳуқуқий ёрдам бериш ишлари амалга оширилди. Хусусан, фуқаролардан юридик хизматларга 3580та оғзаки, «Ишонч телефонлари»га 2048та мурожаат келиб тушди.

Тадбирда журналистлар «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар хусусида ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

► *Ўзбекистонлик ўқувчилар Москва шаҳрида кимё фанидан ўтказилган 48-халқаро Менделеев олимпиадасида муваффақият қозонди.*

► *Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги «Ижод» фонди ҳомийлигида 10 нафар ёш қаламкашнинг илк китоблари 10 минг нусхадан чоп этилиб, барча таълим муассасаларига бепул тарқатилди.*

СПОРТ: Йил воқеаларига назар



2014 йил спорт оламида унутилмас воқеликларга бой бўлди. Қадам қўйганимиз янги — 2015 йил ҳам бу борада ўтган йилдан асло қолишмайди. Ҳадемай, Австралияда футбол бўйича Осиё чемпионатига старт берилади. Шунингдек, келаси йил Бразилиянинг Рио де-Жанейро шаҳрида ўтказилиши кутилаётган навбатдаги ёзги Олимпия ўйинларига саралаш мусобақалари ташкил этилади. Бокс, дзюдо, байдарка ва каноэда эшкак эшиш каби ўнлаб спорт турлари бўйича вакилларимиз энг йирик спорт анжуманига йўлланма олиш учун курашади.

«Мозийга қараб иш кўрмоқ хайрлидир» дейишади. Юртимиз ва жаҳон спортида юз берган муҳим воқеаларни ёдга оларканмиз, насиб этса, янги йил бундан-да кўпроқ қувончли дамларни олиб келсин, дея тилак билдириб қоламиз.

Январь воқеаси:

РАВШАН ЭРМАТОВ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ, РОНАЛДУ — «ОЛТИН ТЎП» СОҲИБИ

Одатда бу пайтда спортчилар таътилга чиқади деб ўйлаймиз. Тўғри, кўплаб мамлакатларда қишки танаффус эълон қилинади. Аммо узоқ муддатли эмас. Масалан, Ўзбекистон футбол жамоалари ноябрь — декабрь ойларида қисқа таътилга чиқади ва сўнгги ойнинг иккинчи ярмидан бошлаб деярли барча жамоалар кейинги мавсумга ҳозирликни бошлайди. Январь эса янги мавсумга тайёргарлик кўриш учун энг қулай вақт.

Спортчилар машғулотларга қизғин киришган маҳалда ташкилотчилар ўтган йил якунлари бўйича энг яхшиларни тақдирлайди. Жумладан, январь ойида ФИФА жаҳоннинг 2013 йилдаги энг кучли футболчи ва мураббийлари номини эълон қилди. Германиялик мутахассис Юпп Хайнкес энг яхши мураббий деб топилган бўлса, португалиялик Криштиану Роналду футболчилар ўртасида тенгсиз экани маълум бўлди.

Бу ойда юртимиз спорти билан боғлиқ муҳим воқеалар ҳам юз берди.

АҚШда ўтказилган бадиий гимнастика бўйича «Gold Coast International Cup — 2014» халқаро мусобақасида иштирок этган ўзбекистонлик ёш спортчи Тахмина Икромова биттадан олтин ва кумуш медалларни қўлга киритди.

ФИФА 2014 йил Бразилияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати ўйинларини бошқарадиган ҳакамлар рўйхатини эълон қилди. Равшан Эрматов фаолиятида иккинчи марта спорт оламидаги энг йирик мусобақалардан бирида ҳакамлик қилиши маълум бўлди.

Март воқеаси:

ҚУРЪА КИМЛАР БИЛАН «УЧРАШТИРАДИ»?

Осиё футбол конфедерацияси томонидан 2015 йил Австралияда бўлиб ўтадиган Осиё кубоги мусобақасига қуръа ташланди. Унга кўра миллий терма жамоамиз чемпионатнинг «В» гуруҳидан ўрин олиб, Саудия Арабистони, Хитой ва КХДР терма жамоалари билан кейинги босқичга чиқиш учун кураш олиб борадиган бўлди.

Апрель воқеаси:

ЎЗБЕК ПОЛВОНИ — ДУНЁДА ТЕНГСИЗ!

Апрель, одатда қизғин мусобақалар палласи. Бироқ баъзи спорт турлари бўйича аввалги йил қаҳрамонлари шу ойда тақдирланади.

Бутунжаҳон кураш иттифоқи (ўша пайтда расман Халқаро спорт курашлари федерацияси) 2013 йилнинг энг зўр полвони ким эканини эълон қилди. У — эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Рашид Қурбонов.

Май — июнь воқеалари:

«БАРКАМОЛ АВЛОД» ВА 20-ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Май спорт мусобақаларига бой ой бўлди. Пойтахтимизда бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва «Happy caravan» халқаро турнири ўтказилди. Унда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари ғолиб бўлди.

Наманган шаҳрида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг республика финал босқичи ўтказилди. Натижаларга кўра, 1-ўрин Тошкент шаҳри, 2-ўрин Наманган вилояти, 3-ўрин Самарқанд вилояти терма жамоаларига насиб этди.

Июнь ойида футбол бўйича 20-жаҳон чемпионати старт олди. Чемпионат ўйинларида ўзбекистонлик Равшан Эрматов ва унинг ёрдамчиси Абдуҳамидулло Расулов ҳам ҳакамлик қилди.

Июль воқеалари:

Р.ЭРМАТОВ — ҲАКАМЛАР, ГЕРМАНИЯ — ЖАМОАЛАР ЎРТАСИДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Жаҳон чемпионатида 4та учрашувни бошқарган юртдошимиз энг нуфузли футбол мусобақасида жами 9та ўйинда ҳакамлик қилган дунёдаги биринчи шахс бўлди. Унинг рекорди камида 2018 йилгача(кейинги жаҳон чемпионати ўша йили бўлади) сақланиб туради.

Германия терма жамоаси ўз тарихида тўртинчи марта футбол тожини кийди. Европа вакилларининг ярим финалда Бразилия (7:1), финалда Аргентина (1:0) сингари терма жамоаларни мағлуб этгани эътиборлидир.

Август воқеаси:

СПОРТЧИЛАРИМИЗ ОЛИМПИАДА ШОҲСУПАСИДА!

Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида 28 нафар спортчимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди. Улар 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритди.

Сентябрь—октябрь воқеалари:

ГРОССМЕЙСТЕРЛАРИМИЗ САФИ КЕНГАЙДИ

Тошкент шаҳрида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича катталар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Ўзбекистонлик 19 яшар шахматчи Жаҳонгир Воҳидов халқаро гроссмейстер мақомига эришди.

19 сентябрь — 4 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида XVII Осиё ўйинлари ўтказилиб, унда спортчиларимиз 9 олтин, 14 кумуш ва 21 бронза медални, жамоавий баҳслар ҳисобга олинганда жами 12 олтин, 14 кумуш ва 35 бронза медални қўлга киритиб, юртимизнинг халқаро миқёсдаги шон-шуҳратини янада юксалтиришга, халқимизнинг қудрати ва салоҳиятини намоён этишга муносиб ҳисса қўшди.

Ноябрь—декабрь воқеалари:

«5 КАРРА ЭНГ ЯХШИ»

«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, ФИФА рефериси Равшан Эрматов ОФК томонидан қитъанинг бешинчи маротаба энг яхши ҳаками сифатида тан олинди. Бунгача у 2008, 2009, 2010 ва 2011 йилларда кетма-кет тўрт марта Осиёнинг энг яхши ҳаками деб топилган эди.

Британия пойтахти Лондонда ташкил этилган Халқаро теннис федерацияси (ITF), «Катта дубулға» турнирлари, Дэвис кубоги, ATP таснифидаги мусобақалар ва WTA аёллар турнирлари ташкилотчиларининг анъанавий йиғилишида теннис ҳакамларига бериладиган энг олий мукофот — «Ҳакам олтин белгиси» (Gold Badge Referee) 32 ёшли юртдошимиз Андрей Корниловга топширилиши маълум қилинди.

Саҳифа материалларини Фазлиддин ШУКУРОВ тайёрлади.

ЎзА суратлари

- *Тошкент шаҳрида Жанубий Кореянинг Инха университети очилди. Шундай қилиб юртимизда хорижий олий таълим муассасалари сони 7тага етди.*
- *Мамлакатимиз илк бор дунёдаги нуфузли «Competizione dell'Opera» халқаро ёш операчилар танловига мезбонлик қилди.*
- *Ўзбекистонлик конструкторлар қуёш энергиясидан қувват олувчи шаффоф экранли мобил телефон яратди.*

Маҳмуд Эшонқулов чизган сурат

ТУТҚИЧ БЕРМАС ҚОРБОБО

Қорбобо билан охирги марта роппа-роса икки йилу бир ой олдин гаплашгандик. Шундан бери бобоси тушмагур ҳеч тутқич бермайди. Ҳайрон қоламан, ўзи бир минг икки юзу ўттиз беш ёшга кирган, соқоли ер супураман дейди, Қормомонинг қўлидан чой ичиб, қорневаралари ўйнатиб, кексалик гаштини суриб яшамайдими? Бир қарасангиз, Антарктидада, бир Гренландияда «хизмат сафари»да. «Кети ер искамайди» деган ибора унга ўхшаганларга атаб ўйлаб топилган бўлса керак.

ЧИРОЙЛИ КУЛАДИГАНЛАР САҲИФАСИ

Шакарҳанда

Саратоннинг қоқ ўртасида йўқлаб-ку, пушаймонлар едим. Қорбобони асло жазирамада йўқламанг экан. Қўнғироқ қилувдим, жазаваси тутиб қолди. Совуқ кимса қизишса, чатоқ бўларкан-ей! Бир дингиллайди, бир дингиллайди! Хайрият, телефонда гаплашганим, акс ҳолда ғазабидан сачраган қировдан температура «нўл»га тушиб кетармиди! Худо сақласин...

Байрам яқин, қолаверса, ўзимиз ҳам бу «муҳтарам зот»нинг гапларини анча соғиниб қолган эканмиз, таваккал, дедиг-у, унга яна бир марта сим қоқдик.

У киши ҳам ўзимизнинг Жинжакқишлоқ томонлардан шекилли:

— Ал-лё, ким бу?! — дедилар ўзига хос дағал овозда.

— Мен, газетаданман, эсингиздадир, бурноғи йили гаплашиб эдик, — дея ўзимни таништирган бўлдим.

— Ҳа-а, сенмисан, бўтам? Яна интервью олмоқчисан, шекилли?

— Ҳа, ҳалиги, ўқувчиларнинг талаб ва истакларига биноан...

— Ёлғонламай, тўғрисини айтавер. Ҳеч қанақа ўқувчиларнинг «талаб-истагига биноан» гаплашаётганинг йўқ. Биламан: ўтиргансизлар, байрам сонига ким нима қиляпти, деб бошлиғинг сўраган. Сенга келганда: «Мен Қорбобом билан суҳбат қиламан», деб катта кетгансан. Шунинг учун телефон қиляпсан...

— Йўғ-е, бобожон, сизнинг соғлиғингизга ҳам қизиқамиз... Энди, нима қилайлик, радиода ҳам, газетада ҳам шундай деб ўрганиб қолганмиз-да. Ўзимизга сал хушроқ келган нарсани «мухлисларнинг талаб ва истакларига биноан» деб беравeрамиз.

— Ҳай, бўпти, ҳазил-да, болам. Биласан-ку, мен ўзи доим шундай совуқроқ ҳазил қиламан. Беравер саволларингни, нималарни сўрамоқчийдинг?

— Қорбобожон, маълумингизким, яқинда 2015 йил кириб келади... *(Суҳбат 2014 йилнинг энг охирида уюштирилган. — Таҳририят).*

— Маълум нарсани нега яна айтяпсан? Ё сен ҳам анави «Биласизки» деб гап бошлайдиганларданмисан? Ҳайрон қоламан, кеча бир мухбир телевизорда «Сизга маълумки...» деб, шу бошлаб қолди, ярим соат «ҳаммага маълум» гапларни вайсади. Тушунмайман: «бизга маълум» бўлса, шунча гапни такрорлаб нима қиларкин? Тағин нима дейди, дегин: «Маълумот ўрнида шуни таъкидлаймизки...» Барака топкур, «маълумот ўрнида» айтмасдан, маълумотнинг ўзи қилиб етказавер, одамларга қизиқ.

— Бобожон, бу ҳам бир гап-да. Биласиз, грамматикада кириш сўз, кириш гап деган нарсалар бор!

— Биламан, ўғлим, менга бу борада дарс ўтмасанг ҳам бўлади. Биз ҳам мактабда ўқиганмиз. Ҳалиги, айрим дангаса ўқувчи-талабаларга ўхшаб беҳуда қатнамаганман — илм олганман. Мен сенга айтсам, ҳозиргиларингнинг кўпидан дурустроқ ўқиган чиқаман, ҳарқалай. Ҳозиргиларинг китоб ўқишни билмайди. Гапиртирсанг, булбулга дарс бераман, дейди. Китоб ўқишга келганда... Тунов куни иккитаси автобусга чиқиб қолди. Иккининг ҳам қўлида биттадан «лопатка»дай телефон. Қулоғида жимжилоқдай «наушник». «Гумбура-гум, гумгум» мусиқа. Орамизда тўрт қадамча масофа бор, лекин ишонасанми, қулоқчинидан келаётган товушдан қулоғим том битай деди. Ўзлари баландлатиб эшитса, эшитавермайдими, менга барибир. Кар бўлса, ўзлари бўлар. Микрофонда гапиргандай бақирчақир қилиши жинимни қўзитди. Қорйигитлик пайтларим эсимга тушиб кетди-ю, шартта бориб, автобус ойнасидан улоқтирдим...

— Ол-а! Иккита кўчқордай-кўчқордай йигитни-я! Ёмон алдоқчисиз-да...

— Ҳей, ўзинг ҳам-чи, ғирт тушунмаган, боласан-да, бўтам!..

— Йўқ, сиз тушунинг, бобо, мен сиздан ёлғончиларнинг «Лофлар ва сафсаталар» газетаси учун интервью олаётганим йўқ...

— Мен сенга уларнинг наушнигини улоқтирдим, деяпман! Қанақа боласан ўзинг?.. Ҳозир телефонни ўчириб қўяман лекин! Жаҳлимни биласан, бола!

— Бўлди-бўлди, қизишманг, отахон! Совуқ одам қизишса, иш чатоқ бўлишини ўзингиз айтгансиз-ку. Бўпти, кейинги саволга ўтаман: қорбоболикка қачон кириб келгансиз?

— Уф-ф, шу саволни бирор икки мингинчи марта беришларинг! Бундан қирқ йилу етти ой олдин ҳам сенга ўхшаган битта мухбир шу саволни берувди. Нима бало, сизлар суҳбатдошларингнинг таржимаи ҳолларини яхши ўрганмайсизларми?

— Бобожон, бу долзарб савол бўлгани учун ҳеч қачон эскирмайди. Сиз жавоб бераверинг.

— Мен-ку, жавоб бераман, лекин сен гапингга жавоб бероласанми?

— Бобожон!..

— Бўпти, бўпти, кўп йиғлайверма! Жавоб бераман: мен ҳеч қачон қорбоболикка кириб келмаганман, билдингми?

— ...

— Ахир, ўзинг ўйла, туғилганимдан бери қорбобо бўлсам... Э, тўғри, аввал қорбола эдим, сўнг қорйигит бўлдим. Қормомонга уйланиб, қоркуёвга айланганман.

— Йўқ, саволни тушунмадингиз! Қачондан бошлаб, бу, ҳовлима-ҳовли юрадиган бўлгансиз, демоқчиман!

— Бўтам, барибир қишлоқилигингга борасан-да! Сал «қоғозга ўраб», мулойимроқ қилиб сўрасанг, бўлади-ку шуни. Масалан, «Каръера»нгизни қачон бошлагансиз?», де!

— Узр...

— Фаолиятимни бундан олти юз саккиз йилу беш ой аввал бошлаганман. Лекин, сен мени анави отарчи қорбоболар билан адаштирма, хўпми?

— Отарчи қорбоболар?

— Ҳа, кўчада дайдиб юрадиган қорбоболарни айтяпман! Масалан, Қоркул дегани бор. Қоршаҳарда туради-ю, асли Қортепанинг «Қорбўрон» маҳалласидан. Қортепада Қорболта дегани билан чиқишолмай, Қоршаҳарга кўчиб келган. Уларнинг қоржанжалига нима сабаб бўлганини билмасдим. Қорқиз қизим топиб келди. Эмишки, бир йили Янги йил арафасида икковлон Қорбой деган бойваччаникига бир пайтда бориб қопти. Навбат талашганми, ишқилиб, шу ернинг ўзида тепалашиб кетибди-да, шармандалар. Буни «Оппоқ қор» газетасида ҳам роса ёзишди. Хуллас, Ер юзидаги жамики қорбоболар шаънига доғ туширди нодонлар. Қорбой ҳам, ўзи таги қор бўлгани билан қизиққон экан. Уйида тўполон қилиб ҳурматсизлик кўрсатган жўжахўроз қорбоболарнинг орқасини олиб ўхшатиб тепиб, камига ҳайдаб солибди. Шундан бери Қоркул Қоршаҳарда. Қорболта эса, билмайман, қаерда? Баъзан лайлаққорларнинг гувоҳлик беришича, Янги йил арафасида Қорболта қорбобо либосини кийиб маҳаллани айланармиш. Лекин кўпинча уйларга ўз оёғи билан кириб, бировларнинг оёғи билан чиқиб кетади, деб эшитаман. «Ҳалиги»дан анча-мунча «отадиган» қилиғи бор-да нодоннинг...

— Ў, бобожон, сизнинг суҳбатингизга одам тўймайдида!

— Ҳа, дабдурустдан мақтаб қоляпсан, совға-повға умидинг бор, шекилли?

— Қорбобожон, баъзи гапларда мендан ҳам ўтасиз-ай. Сал «ўраброқ-аяброқ» гапирсангиз ҳам бўлади-ку...

— Ҳазил дейман-ку, бўтам, ҳазил! Сени ҳеч совғасиз қолдирганманми? Кечирасан, ҳозир қаерда яшаяпсан?

— Бобожон, қайси уйга кирсангиз, мени у ерда яшаётган болакайларнинг кўзидан топасиз! Ўша ерда бўламан, келинг албатта.

— Келишдик.

Қорбобо билан тоғларга қор ёққан куни Қорму... Э, йўғ-е, ЭЛМУРОД суҳбатлашган бўлди.

Turkiston

МУАССИС
«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998

БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдиалиевич

Таҳрир ҳайъати
Баҳодир Ғаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир
Умарова Наргиза Баҳодировна

Саҳифаловчи
Рўзиев Зафар Ҳусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-156.
Адади — 11167

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 18.30
ЎзА якуни — 18.30

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5